

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
3-курс талабаси Азимжонова Нодиранинг
Социология фанидан тайёрлаган

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар

Бажарди:

Азимжонова Нодира

Андижон - 2015

Мавзу : Маънавиятнинг шакллантирадиган асосий мезонлар.

РЕЖА

Кириш

1. Маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар.
2. “Авесто” – бебаҳо маънавий мерос.
3. “Алпомиш” достони – халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси.
4. Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдонаси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Бирор халқ ҳаётида туб бурилиш содир бўлаётган даврда жамият янги истиқболлар сари бормоғи учун аввало жамият тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб борилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида маънавият ва маърифат ишларига ғоят катта эътибор берилиши Мустақил Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Юртбошимизнинг катор асарларида, маъруза ва суҳбатларида маънавий–маданий қадриятларнинг моҳияти, уларни тиклаш зарурлиги ҳар томонлама, чуқур асослаб берилди. “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, - деб таъкидлади И.А.Каримов, - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”. Президентимиз аниқлаб берган вазифалар асосида маданий–маънавий юксалишга интилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, давлатимиз бу соҳада аниқ, изчил ҳаракат қилиб, ўтган йилларда салмоқли вазифаларни амалга оширди.

Шу борада “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган 1994 йил 23 апрелдаги ва кейинги Президент фармонлари Республикада маънавий ва мафкуравий ишларни юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилнинг 2 июнидаги Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб – қувватлаш тўғрисидаги янги фармони мамлакатимизда маънавий – маърифий ислохотларни изчил амалга ошириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз онги ва қалбига сингдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастур бўлди.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши Президент фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида “Жамият маънавиятини янада юксалтириш”, “Аҳолини сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш”

юзасидан ҳужжатлар қабул қилиб, кўплаб кичик ишчи гуруҳларини тузди. Қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, маънавий–маърифий ишларнинг самарадорлигини кучайтириш юзасидан кенгашнинг жойлардаги бўлимлари муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда–аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кадриятлар, урф–одатлар, буюк ота–боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўللار очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, амалга оширила бошланди. Хусусан, маънавий–маърифий ишларнинг ривожланиши учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари, санъат олий ўқув юртлари, фольклор- этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланиб қолди. Театр саҳналарида янги замонавий спектакллар қўйила бошлади.

Маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар.

Ўзбекистон ғарб ва шарқ цивилизацияси туташган, анъанавий тарзда савдо йўллари чорраҳасида, турли маданиятлар уйғунлашган ҳудудда жойлашган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон минг йилликлардан иборат давлатчилик анъаналарига эга бўлган юрт, бу юртдан чиққан алломаю – уламолар, олим, давлат арбоблари, саркардалар жаҳон цивилизацияси, илм – фан, маданиятига улкан ҳисса қўшганликларини ҳозир бутун жаҳон тан олмоқда.

Мамлакатимизда шу пайтгача қадар кўрк солиб турган осори – атиқалар, меъморий обидалар, сув иншоатлари бу ўлка қадим даврларданок дехқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Ўзбекистондан ибтидоий одам қолдиқларини топилиши, қатор шу дарга оид манзилгоҳлар, жумладан палеолит даврига оид тошга ишлов бериш устаҳоналари, бундан 5000 йил мавжуд бўлган дехқончилик маркази, 3000 йил аввал бунёд

этилган сунъий суғориш тизимлари, буддавийлик иборатхоналари қалдиқлари, тасвирий санъат намуналари, Афросиёб, Холчаён, Далворзинтепа, Ёрқўрғон, Сополитепа каби ўнлаб археологик ёдгорликлар, 8000 дин зиёд археология объектлари, жами 4000 дан кўпроқ моддий – маънавий обидаларнинг умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО руйҳатига кирганлиги юқори қайд этилган мулоҳазанинг тўлақонли тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Аجدодларимиздан қолган бундай юксак моддий – маънавий бойлик ҳусусида Республикамиз Президенти И.А.Каримов жумладан шундай дея таъкидлаган эди: “Аجدодларимиз таффақури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг – минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат сиёсат, ахлоқ, фалсафа, табиёт, математика, микералогия, кимё, астраномия, меъморчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир, Бунчалик катта меъросга эга бўлган халқ дунёда камдан – кам топилади”.

Асрлар давомида тўпланган тажриба, диний ахлоқий, илмий ва адабий қарашларни ўзид ифода этган “Авесто” китоби – катта аҳамиятга молик маънавий обида, муҳим тарихий манба ҳисобланиб, ўзида бундан деярли 3.000 йил муқаддам бўлган воқеликни мужассам қилган. “Авесто” да акс этган фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси, айниқса унинг туб моҳиятини белгилаб берувчи “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили ҳозирги замон маънавий мезонлари билан ҳамоҳанглик билан ажралиб туради. Китобда борлиқнинг яхлит ва бир бутунлиги, инсон ва табиатнинг уйғунлиги, одамнинг руҳий оламига бу ҳол бевосита боғлиқ ҳолда кўрсатилиши аҳамитга молис ҳолат бўлиб хизмат қилади. Бундай тарихий асарнинг айнан ўлкамиз ҳудудида юзага келганлиги аجدодларимизнинг ўтмишда юксак маданиятга эга бўлганликларидан далолат беради. 2001 йил ноябрда “Авесто” асарининг 2700 йиллигини Ўзбекистон кенг доирада нишонланиши, шубҳасиз истикбол туфайли кўз очган маънавий ўзликни

англашнинг ёрқин ифодаси, аждодлар маънавий меросига бўлган чуқур эҳтиромдан дарак беради. Собиқ шўролар даврида деярли йўқ бўлиб кетган бой халқ ижодиёти, мустақиллик йилларига келиб ўзининг иккинчи ҳаётини бошларида десак айна ҳақиқат бўлур эди.

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари қаторида “Алпомиш” достони муҳим ўрин тутади. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда “... агарки халқимизнинг қадимий шонли тарихи тугалмас бир дostonнинг шоҳ байти” ҳисобланади. Ўзбек халқига хос кўплаб олийжаноб инсоний фазилатлар, жумладан бағрикенглик, садоқат, вафо, матонат ушбу дostonда тўлиқ ўз ифодасини топган. Ушбу дoston катта маънавий – тарбиявий аҳамиятга ҳам молик бўлиб, у ўз юртини доимо ҳимоя қилиш, ватнапарвар, одил ва ҳақгўй бўлишига ўргатади. 1999 йил ноябрда “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги республикада кенг тантана этилиб, унинг ватанни Термизда Алпомиш қаҳрамонига маҳобатли ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Республикада маданий ва моддий характердаги ёдгорликларни асрашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бир қатор етакчи музейлар, жумладан Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қўлёзмалар институти ва муассасаларда тегишли моддий маънавий ашёвий далиллар сақланиб келмоқда.

Ўзбекистон тарихий шаҳарлар, меморий обидаларга бой юрт ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг 2750, Қаши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Марғилон шаҳрининг 2000, пойтахт Тошкент шаҳрининг 2200 юбилейлари кенг миқёсда, республика ва халқаро доирада нишонланиши шаҳарсозлик маданиятининг юртимизда нақадар чуқур илдиз отганлигидан дарак беради.

Аксарият Шарқ муаррихлари сайёҳ ва элчилар мамлакатимиз ҳудудида жойлашган қадимий шаҳарлар, улардаги ҳашаматли иморатларни катта эътироф билан бирга тилга олинган. Меъморий ёдголикларда

аждодларимизнинг салоҳиёти, ақл -заковат Ноёб чорбоғ намунаси IX – X асарларда яратилга Қирқиз (Термиз) дала кўрғонидир.

Бухородаги ноёб меъморий ёдгорлик – Исмоил Самоний мақбараси бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган. Унда илк ўрта асрлар меъморчилигининг энг яхши ютуқлари мужассам бўлагн. Шаҳарларнинг кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиши, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши туфйли карвон йўллари бўйлаб кўплаб карвонсарой, рабътлар қурилган. Навоий шаҳри яқинида сақланиб қолган Работи Малик (IX аср) унинг яққол далили бўлиб ҳизмат қилади.

IX – XIII аср бошларида қизилган иншоотлар орасида Бухородаги Мағоки Аттор масжиди, Миноран Калон, Жарқўрғон, Вобкент минораларини, Термиздаги ат-Термизий мақбарасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида вайрон этилиб, таназзулга юз тутган Мовароуннаҳр шаҳарлари фақатгина XIV аср биринчи ярмига келиб аста-секин тиклана бошланди. Амир Темур ҳукмронлигини ўрнатилиши шаҳар ҳаёти тараққиётининг юксак поғонага кўтарилишига, ободончилик ва бунёдкорлик ишлар кўламининг беқиёс ривожланишига, янги муҳташам ва тенги йўқ иморатларни юзага келишига замин бўлиб хизмат қилди.

“Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз барпо этган ишоотларга боқинг” деган Соҳибқироннинг ибораси шаҳар меъморчилигининг юксак раванқидан дарак берар эди. Темурийлар шаҳри меъморчилигида мавжуд ижтимоий тузумнинг, турмуш тарзининг олати мужассам бўлган эди.

Жумладан, мустаҳкам қалъалар-давлат куч-қудратидан, сарою-кўшклар-ҳукмдорлар ҳашаматидан, диний иншоотлар-ислом динига бўлган эътибор ва эҳтиромдан, бозору-расталар – ҳунармандчилик ва тижорат ишлари ривожидан, майиший бинолар гавжум шаҳар ҳаётидан дарак берар эди. Амир Темур даврида бошланган бунёдкорлик ва қурилиш ишлари шаҳарсозлик маданиятининг юксалиши бутун XV – аср мобайнида давом этди.

Темурунинг ўғли Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби темурий ҳукмдорлар мазкур сиёсат анъаналарини ижодий тарзда давом эттирдилар. Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар даврида қурилган маҳобатли иншоотлар орасида Шаҳрисабздаги Темурийлар оилавий мақбараси Дора ус-сиёдат ва Дор ут-тиловот, кўк гумбаз масжиди, Оқсарой, Самарқанддаги Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ёдгорликларининг кўп қисмини, Бухоро, Самарқанд, Ғиждувонда қурилган Улуғбек мадрасаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Темурийлар даврида боғ яратиш санъати жуда тараққий қилиб, дарахтзор, гуллар, сув иншоотлари меъморий иншоотлари билан ўзаро уйғунлашиб кетган эди.

Темурийлар даврида барпо этилган иншоотлар энг аввало жамият манфаатини кузлаб амалга оширилган. Бинокорлик қурилиш кўплаб кишиларни флйдали меҳнат биан жалб этди, дабдабали бинолар барпо, этилиши эса олимлар ижодининг, катта туртки бўлган. Меъморчилик шаҳар ва қишлоқларнинг беҳад обод бўлишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, давлат хазинаси айшу – ширатга эмас балки, хайрли бунёдкорлик ишларига сарф этилган.

XVI – XVIII асрларда ўзига хос меъморий анъаналар асосида Бухоро, Самарқанд, Кармака, Тошкент шаҳарларида бир қатор меъморий обидалар барпо этилди. Бухородаги Калон масжиди, Мир – Араб мадрасаси, Тоқи Заргарон, Чор – Бакир, Модарихон мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси Абдулазизхон мадрасаси, Лабиҳовуз мажмуаси, Самарқанддаги Шердор ва Тиллақори мадрасалари, Хивадаги жоме масжиди, Тошкентдаги Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалар шулар жумласидандир.

XVIII аср ўрталарига келиб Хива ягона меъморий абудалар мажмуаси бўлган шаҳарқўрғон тусини олди. Хивадан ёдгорликларт ичида Тошҳовли саройи, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Калтаминорни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мустақиллик шарофати билан республикада мавжуд, собиқ шўролар даврида эътибосиз қолдирилиб, вайрона холича келган кўплам меъморий ёдгорликлар қайта таъмирланиб ўзининг тарихий даражаси

аксини олди. Меъморий обидалар атрофлари ободонлаштирил буткул янги, замонавийлик ҳолда анъанавийлик уйғунлашган ижобий тусга эга бўлди. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, ат-Термизий, Қафғол Шоший мақбаралар деярли янгидан барпо этилиб, ҳозирги кунда кўплаб зиёратчиларнинг табаккур масканлари қаторидан жой олган.

“Авесто” – бебаҳо маънавий мерос.

Хоразм тупроғида яратилган “Авесто” тўғрисида И. Каримов сўз юритар экан, бу бебаҳо маънавий обиданинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрнини қуйидагича баҳолайди: “...олис ота–боболаримизнинг ақл–заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан–қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради” (31–бет). Албатта, “Авесто” Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки дунё маданияти тарихида муҳим воқеадир.

“Авесто” бир неча асрлар давомида шаклланиб, яхлит асар ҳолига келган. Бу жараён дунё маданияти тарихида синовлардан ўтган тажриба бўлиб, “Авесто” ана шу тажрибанинг илк маҳсулларидан биридир. Шарқда бу жараённинг ноёб намуналари кузатилади. Қадимги Хитойдаги фалсафий рисоалар, эпослар шаклланганда ана шу йўлни – асрлар йўлини босиб ўтган.

Президентимиз “Авесто”нинг туб маъно–моҳияти тўғрисида тўхталар экан, бу асарнинг ҳамма замонларда ҳам ибратли сабоқ берадиган ноёб обида эканини алоҳида таъкидлайди. Зардуштнинг фалсафаси – “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш” ақидаси бу ёдгорликнинг бутун моҳияти ва мазмуни сифатида қимматлидир. Президентимиз “Авесто” моҳиятини нақадар теранг англаганини Зардуштнинг қуйидаги гапи кўрсатади: “Тангри ўзининг донолик ва гўёлик қудрати билан инсонни барча жонзотлардан

шарафли қилиб яратди. Бинобарин, бандаларининг ҳаёт низоми биродарлигу дўстлик бўлмоғи даркор. Бас, шундай экан, фикр билан ҳам, сўз билан ҳам, иш билан ҳам одамларга озор етказманг. Бирон бир бегона сизнинг ҳузурингизга келса, таом беринг ўтириш учун жой кўрсатинг. Аждодларни очлик ва ташналикка, иссиқ ва совуққа гирифтор этманг. Қўл остингиздагиларга ва болаларга меҳрибон бўлинг, улуғларни ва кексаларни ҳурмат қилинг”. Президентимиз “Авесто”нинг моҳияти сифатида ўртага ташлаган ақиданинг талқинлари қуйидагичадир:

1. Эзгу фикр: Тангрининг ягоналигига ишонмоқ, имонда собитлик, таваккул, қаноат, ҳайрихоҳлик, меҳрибонлик, Ҳақни танимоқ, кечиримли бўлиш, ошночилик, шижоатлилик, раҳмли ва мурувватли бўлиш, поктийнатлилик, инсоф, хушхулқлик, беозорлик, очик юзлилик, эҳсонлилик, нафсни чегаралаш, касб ва илмни севмоқ, масуълиятлилик ва ҳақиқатпараст бўлмоқ.
2. Эзгу сўз: танҳо Тангрига ҳамду сано айтмоқ, тўғрисўзлилик, аҳдида собитлик, ҳақгўйлик, салом ва таъзимда бўлмоқ, тўғри ва рост гувоҳлик бермоқ, ширинкаломлик, ўйлаб синаб гапирмоқ, рост қавмлик.
3. Эзгу иш: Тангри ва пайғамбар буюрган фарз ва суннатларга сўзсиз итоат этмоқ ҳамда уларни бажармоқ, яхши ишлаш, омонатга хиёнат қилмаслик, ожизларни қўллаш, серғайрат бўлмоқ, ота—она ва устод ҳукмига итоаткор бўлиш, халқ, Ватан учун хизмат қилмоқ, меҳмондўстлик, парҳезкорлик, ёмон ишлардан юз ўгирмоқ, меҳрибонлик, инсопарварлик, жамият қонунларига итоат этмоқ, ўтганларни ёдда сақлаш, ҳаққатталаб бўлмоқ, беморлар ҳолидан хабар олиб турмоқ, муҳможларга ёрдам бериш, ўз иши ва касбига меҳр қўйиш, адолатли бўлмоқ.

“Авесто”да Зардуштнинг фалсафий қарашлари ҳар бир мисрада акс этиб туради. Муҳтарам Президентимиз “Авесто”нинг бу жиҳатларини ҳам тилга олганда, тамомила ҳақ эди. Жумладан, у шундай дейди: “Авесто” борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан

уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф–муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни тортади”. Чиндан ҳам табиат ва инсон ҳаётининг чамбарчас боғлиқлиги, инсоннинг маънавий олами ҳар жиҳатдан комил бўлиши кераклиги масаласи ҳам бу обидада илгари сурилган энг муҳим ғоялар сифатида қардидир.

Хўш, Зардушт яратган таълимот нимадан иборат эди? У қандай шакл ва мазмундаги таълимот эди? Унинг таълимоти – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашдан иборат эди, жамиятдаги мутаносибликни бузадиган номутаносибликка қарши кураш эди. Зардуштийлик таълимоти дастлаб яратилган пайтда диний эмас, балки ахлоқий қарашларнинг мажмуи сифатида юзага келган. Зардушт ўз таълимотини яратган пайтда эзгулик ва ёвузликни ижтимоий муаммо сифатидагина илгари суриб қолмади, балки ахлоқий қарашларини фазо билан, хусусан, оламнинг яратилиши ва тузилиши билан боғлади. Натижада бу қараш аста–секин илоҳий тус олиб борди. Унинг таълимоти фақат даврлар синовидан ўтиш билан бирга, жуғрофий жиҳатдан ҳам кенгая борди. Бизнинг заминимиздан тортиб, Мидия, Форс, Арманистон, Кичик Осиё, Ҳиндистон каби қатор мамлакатларга ёйилди. Барча диний оқимларнинг вазифаси маълум бир ҳудудда маданий ва маънавий юксалишни юзага келтирганидай, зардуштийлик ҳам бу мамлакатларда маданият ўчоқларини барпо қилди.

Президентимиз таъкидлаганидай, “Авесто”да атроф–муҳит инсон қалбига кучли таъсир кўрсатиб келгани идеал шарт–шароит сифатида баён қилинган. Хусусан, она заминни пок сақлаш, уни булғамаслик, деқончиликни ривожлантириш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик каби қатор ўғитлар борки, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ёки ҳайвонот оламига инсоннинг муносабати ҳам алоҳида масала қилиб қўйилган. Жумладан, чорва моллари қаторида ҳўкиз, от, ит муқаддас саналган. Хонаки итни калтаклаган ёки ўлдирган одамга ҳам ниҳоятда

каттик жазо берилган – хатто ўлим жазоси берилган. Дехқончилик энг олийжаноб касб сифатида таърифланган. Зардушт Хўрмузддан муҳим қонун сўрар экан: “Ер юзида энг яхши жой қаерда?” деб сўрайди. Хўрмузднинг Зардуштга берган жавоби шу бўлди: “Қаерда солих – Хўрмузднинг мухлиси ерга яхши ишлов берса, чорва туёқларини кўпайтирса, яхши жой ўша ердир”. Зотан, меҳнатнинг бу турлари инсоннинг фаровон яшаши учун кафолат. Айни пайтда Хўрмузднинг бу жавобидан агротехника қоидаларининг илк илдизлари тўғрисида хабардор бўламиз. Дарвоқе, Зардушт Хўрмузддан қонун сўраган эди, Хўрмузд қонуннинг ижроси сифатида меҳнатни берди. Гарчи қонун тушунчаси бугунги кунда ўз мазмуни ва моҳиятини ўзгартирган бўлса–да, “Авесто”даги ва ҳозирги қонун тушунчаси ўртасида фаолият жиҳатдан уйғунликни кўрамиз. Ҳамма даврда ҳам қонун инсон манфаатларига хизмат қилиб, инсониятни эзгуликка даъват қилишни, ёвузликнинг ҳар қандай кўринишига зарба беришини эътиборга олсак, Зардуштнинг саволига Хўрмузднинг берган жавоби ҳам ўз даврида муҳим қонун эканига амин бўламиз. Хўрмузднинг қуйидаги жавоби бу фикрларни яна ҳам тасдиқлайди: “Кимки чап қули ва ўнг қўли билан, ўнг қўли ва чак қули билан ерга ишлов берса, фойда келтиради. Шунда ер солихга айтади: “Эй инсон! Сен менга чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан, ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан ишлов беряпсан. Дарҳақиқат, мен толиқмасдан туғаман. Ҳар турли егуликни, мўл ҳосилни етиштираман”. Кимки ўнг қули ва чап қўли билан ерга ишлов бермаса, унга ер айтади: “Эй инсон! Сен менга ишлов бермаяпсан, сен шубҳасиз, тиланчилар орасида бўлсан, бегона эшиклар олдида мункайиб турасан”. Асарда узоқ вақт ишлов берилмасдан, экувсиз қолиб кетган ер – турмушга чиқолмай, бефарзанд ўтган қариқиз билан барабардир.

Хуллас, Президентимиз айтгандай, “Авесто”да ибратли сабоқлар жуда кўп.

“Алпомиш” достони – халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг 32–33 – бетларида “...халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини номоён этадиган авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир”, – дейилади.

“Алпомиш” достонида акс этган Бойсун – Қўнғирот юртида уруғчилик –қабилачилик ижтимоий тизимидан давлат бошқариш тизимига ўтиш жараёнининг бадиий ифодасидан иборатдир. Б.М.Жирмуниский ва Х.Т.Зарипов достон воқеаларини Ўрта Осиёда қалмоқлар ва туркий халқлар ўртасидаги доимий урушлар, Етти сув худудидаги тинимсиз жанглар Чингизхон босқини билан боғлайдилар унинг яратилишини XV–XVI асрларга тааллуқли деб тахмин қиладилар. Аммо достондаги айрим маълумотлар, хусусан, Бойсари одамларининг экин экишни билмасликлари, “Закот” атамасини давлатни бошқарувчи шахснинг фуқароларидан йиғадиган солиғи маъносида тушунилиши каби ҳаётий лавҳалар достон сюжетидаги бир қатор воқеалар юртимизнинг устоз олимларимиз қайд қилинган муддатдан анча илгари рўй берган бўлиши мумкинлиги исботлайди. Профессор Баҳордир Саримсоқов таъкидлашича, халқнинг халқ сифатида ёки миллат сифатида шаклланиши жараёнида қаҳрамонлик эпосига мурожаат қилиши табиий ва қонуний ҳолдир. Шунинг учун ҳам достон ўзбек миллатининг “ўзлиги номоён этадиган” асар эканини И.А.Каримов томонидан алоҳида таъкидланиши илмий жиҳатдан асосланган.

Агар “Алпомиш” достони ёзиб олинган 1928 йилдан кейинги етмиш йиллик тақдирига мурожаат қилсак, унинг ўзбек халқи тарихий ҳаёти билан узвий боғланишига гувоҳ бўламиз. Аввало, достоннинг қозоқ, қорақалпоқ нусхаларида ҳам қаҳрамонлар ўзбек сифатловчиси билан тилга олинади. Бу ҳолатга В.М.Жирмуниский ва Х.Т.Зарипов ҳам эътибор қиладилар ва Барчин – ўзбек қизи, Бойчибор – ўзбек оти дейилишини қайд этадилар. Натижада, достон ва ўзбек халқи тақдири тарихан бир–бири билан уйғун

бўлиши яна бир бор ўз тасдиқини топади. Тарихий вазиятни кузатсак, шу ҳолат яққол кўзга ташланадики, собиқ совет тузуми раҳбарлари ўзларини халққа яқин кўрсатишга ҳаракат қилар эканлар, “Алпомиш”ни тарғиб этиш сиёсатини қўллайдилар.

“Алпомиш” ёзиб олинди, аммо унинг нашри қаттиқ назорат остида бўлди. Достонда қаҳрамонлар ҳаракатини кўп жиҳатдан асослайдиган исломий тушунчалар қисқартирилади. Ўтган асрнинг 50–йилларида юртимизда катагоннинг **янги** тўлқини бошланди. Бундан “Алпомиш” ҳам зарар кўрди. А.Абдунабиев ва А.Степанов “Правда Востока” газетасида ва “Звезда Востока” журналида “Халқчиллик байроғи остида” (“Под флагом народности”) мақолаларини эълон қилиб, достонни халқ руҳига ёт ва қарши деб эълон қилдилар. И.А.Каримов тўғри кўрсатиб ўтганларидек, “Ўша оғир йилларда фидойи зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб, уни сақлаб қолишга муваффақ бўлганликларини фақат унинг турли нусхалари (Э.Жуманбулбул, Пўлкан, Ислом шоир ижролари назарда тутилган) ўрганилганидан кейингина амалга ошиши мумкинлиги айтилган. Кейинчалик 1956 йилда Ҳ.Т.Зарипов, М.Шайхзода, М.Афзалов ва бошқалар достонни ҳимоя қилдилар. Аммо бу ҳимоялар ҳам Фозил Йўлдош нусхасини тўлиқ нашр этиши имкони бермаган эди. Фақат юртимиз мустақилликка эришгандан кейингина достоннинг 1928 йилда Зарифов томонидан ёзиб олинган нусхаси тўлиқ эълон қилинди.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида “Алпомиш” достонининг бугунги кунда — мустақиллик шароитида ёш авлодни комил имкон бўлиб етишишида муҳим маънавий асос даражасидаги асар деб баҳоланади. Ҳақиқатан ҳам, достонда Ҳакимбей Бойсари бошлиқ Қалмоқ юртига кўчиб кетган элни, Бойсун–Қўнғиротга қайтаради ва юрт бирлигини сақлаб қолади. Ўзгача давом этиб келаётган уруғчилик–қабилачилик тизимига чек қўйди ва давлатни бошқаришни ўз қўлига олиб юртни янги ижтимоий тузум йўлидан боришини таъминлайди, ўз оиласига хуруж қилган Ултонтозни жазолаб, аввало, оила бирлигини ҳимоя қилади, қолаверса, юрт тинчлигини, адолатни ўрнатади, асар давомида Ҳакимбек

(Алпомиш), Қалдирғоч, Барчиной ўз бахтини эл–юрт тақдири билан боғлаган ҳолда эркин ва фаровон ҳаёт учун кураша оладиган юртдошларимиз эканига гувоҳ бўламиз.

“Алпомиш” достонида давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётган демократик жамият қуриш ғояси ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган. Достондаги воқеалар баёнида бирор марта асардаги бош қаҳрамонларнинг ўз иқтисодий ёки сиёсий мавқеъларидан фойдаланиб адолатсизликка йўл қўйганликларини учратмаймиз. Аксинча, Бойбўри ва Бойсарича фарзандсизликларини айтишга чўчимаган чапанитоб йигит, Бойсарига маслаҳат беришга тортинмаган, ўтирганда жой, ичканида чой тегмайдиган Ёртибой образларини кўрамыз. Ҳатто Барчин Қалмоқ юртида турмушга чиқишда 4 та шароитни холис бажарганга хотин бўлишини айтиб, ҳамма бўлғуси куёвларини бир хил шароитда синовдан ўтишга чорлайди. Шунинг учун ҳам “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида мазкур достон ҳақида аниқ ва изчил фикрлар айтилган. Жумладан, “Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт”, “Ишонаманки, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб–авайлаб келгуси авлодларга етказди. Бу қаҳрамонлик эпосини куч енга олмайди” каби жумлалар фикримиз далилидир.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида битта фасл “Энг буюк жасорат” деб аталган. Мазкур фасл саҳифаларида шундай жумлалар бор: “...Энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат”, “...инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл–юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин” (159–бет).

Юртбошимизнинг бундай ажойиб хулосага келиши учун халқимиз, Ватанимиз тарихига мурожаат қилиш кифоя. Тарихда **Тўмарис, Широқ** исмли фидокор инсонлар бўлганки, уларнинг жасорати бизга юнон тарихчиларининг битиглари воситасида етиб келган.

Геродотнинг “Тарих” китобида Тўмарис, Полиэннинг “Ҳарбий хийлалар” китобида Широқ ҳақидаги ибратли воқеалар ўз ифодасини

топган. Одатда бу воқеалар “афсона” атамаси билан белгилаб келинди. Аммо афсона сўзининг заминида ҳаётий уйдирма, сеҳр–жоду маъноси ётади. Тўмарис ва Широқ воқеаларини афсона деб аташнинг ўзи ўқувчида шубҳа уйғотади. Ваҳоланки, Тўмариснинг Кир қўшинининг эрадан аввалги 529 йилда тор–мор қилиб, Кирни ўлдирган қайд этилган. Широқ мардлиги эса эрадан аввал 521–485 йилларда яшаган Доро I замони билан аниқ боғланган. Бинобарин, бу тарихий воқеалар баёнини афсона деб аташ тўғри бўлмайди. “Ривоят” атамаси эса ҳаётий воқеаларни бадиий уйдирмалар воситасида ҳимоя қилиш маъносига эга. Шунинг учун “Тўмарис” ва “Широқ” ривоятлари деб аташ мақсадга мувофиқ кўринади.

Шубҳасиз, Ислом Каримов бу буюк икки шахс тарихини аъло даражада биладилар. Ва ўз китобларида “эл –юрт учун, Ватан учун” жонидан кечган аجدодларимизнинг жасоратини эслаганларида Тўмарис ва Широқ тарихини ҳам назарда тутганлар.

Тўмарис ўзини енгилмас шох деб билган Кирга нисбатан ўта мардлик намунасини кўрсатади. У Кирдан келган совчиларнинг асл мақсади массагетликлар юртини босиб олиш эканини дарров фаҳмлайди. Кир элчиларига ўз юртларига қайтиб кетишларини маслаҳат беради. Аммо ўз ори ва номусини ҳимоя қилиб, агар Кир урушмоқчи бўлса, жангга тайёр эканлигини ҳам яширмайди. Жанг Кир аскарларига қулай шароитда бўлиб ўтади. Бу ўртада Кир Тўмариснинг ягона ўғлини ҳийла билан қўлга олади. Номуси кучли Спарганис ўзини ўзи ўлдради. Тўмарис ғазабига ғазаб қўшилади. Очик жангда Тўмарис Кирни мағлуб этади.

Широқ эса Доро қўшинларини ҳийла билан чўлнинг ўртасига олиб боради ва Шак қабиласининг ғалабасини таъминлайди.

Юртбошимиз бугунги кунда ҳар бир ўзбек қизини Тўмарисдек зийрак, мард, халқи учун фидойи фарзанд бўлиб етишишини орзу қиладилар. Ҳар бир ўзбек йигити Широқдек мулоҳазали, доно мард бўлишига ҳавасмандлар. Агар Ўзбекистон аҳолиси Ватан, халқ, давлат олдидаги фарзандлик бурчини Тўмарис, Широқ, Алп Эртўнга, Муқанна, Жамолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темурдек ҳис қилса, дунёда

бизнинг юртимизга тенг келадиган бирорта давлат бўлмаслигини етук сиёсатдон сифатида ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам халқ оммаси ўз фидойисини улуғлайди. Тўмарис воқеаси “Ойсулув” достонида акс этгани бежиз эмас. Уни эсда сақлаган Тилла кампир Геродотнинг китобини қаердан билсин. Демак, халқнинг ҳақиқий фарзандлари тарихи, аввало, унинг қалбида, қолаверса, халқ оғзаки ижодида яшайди.

Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдонаси.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг ўнлаб саҳифаларида муаллиф халқ оғзаки ижоди, халқ қадриятлари, урф–одатлари ҳақида фикр юритган. Юксак маънавият тушунчасини моҳиятан халқ оғзаки ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам саҳналарида учрайдиган “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Маҳалла ҳам ота – ҳам она”, “Уят ўлимдан қаттиқ”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Бефар одамдан кўрк” каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг мавжуд эканлигини табиий ҳол сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур китоб саҳифаларини эътибор билан ўқиган ўқувчи унда келажак авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, маънавий дунёси олий талабларга жавоб берадиган инсон бўлиши лозимлигини аниқ тасаввур қилади. Бундай фазилатнинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди, миллий қадриятларнинг аҳамиятини ҳам ҳис этади. Ҳақиқатан ҳам, халқ маорифи, оммавий ахборот воситалари бугунги кундек кенг ривожланмаган қадим замонларда ёш авлод тарбияси айнан оғзаки ижод асарлари, анъанавий қадриятлар зиммасида эди. Хусусан, Ватан ҳақидаги энг қадимги мақолимизни Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида учратамиз: “Тулки ўз инига урса узуз болур” – “Тулки ўз уясига қараб хурса, кўтир бўлади”. Девондан 268 мақолнинг ўрин олиши эса минг йил аввал туркий халқларнинг маънавий–маданий хазинаси нақадар бой ва мукаммал эканини тасдиқлайди. Бу мақолалар ичида “Душманига қарши қурол ҳозирлаган киши той топади, қурол ҳозирлашни унутган киши асир бўлади”, “Синамаса одам алданади, аввалдан ўйламаса енгилади”,

“Душманни кичик ҳисобласа, бошига чиқади” каби бевосита бугунги кун ҳаётимизга тўла мос келадиган намуналар ҳам учрайдики, улар халқимизнинг келиб чиқиши жиатидан тарихан нуфузли ўринларни эгаллаганини кўрсатади. Бугунги кунда ўзбек мақоллари тўпламидан 13 мингта намуна ўрин олади. Дунёдаги бирон халқ мақоллар хазинасида бу қадар кўп асар борлиги билан мақтана олмаса керак.

Халқимизнинг оғзаки ижодида дунёдаги бирорта миллатда учрамайдиган жанр намуналари мавжуд. Бу – аския. Аскияда ўзбек тилининг маъно ифодалаш жиҳатдан ўта бой имконияти ўз ифодасини топган. Аскияни тушуниш учун тилни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбекона турмуш тарзини ҳис қилмаган одам тилни ҳар қанча яхши билишидан қатъи назар гўзал аския қочиримларини тушунмайди.

– Туринг, қори ака, қурортга келдик.

– Ўлинг, Мамаюнус, Шўртепа –ку.

Оддий қараганда бу диалогда ортиқча, маъно йўқ. Икки биродарининг суҳбатидан бир парча, холос. Аммо “Қурот” сўзини “Кўрот” тарзда талаффуз қилиши билан Мамаюнус суҳбатдошини Эрка қорининг кўзи ожизлигига ишора қилмоқда. Зийрак Эрка қори эса “Шўртепа” дейиш билан Мамаюнуснинг боши кал эканини таъкидламоқда. Бундай самимий, кулги уйғотувчи матн сўзлари ўзбек тили имкониятлари олдида ҳайрат уйғотади.

Ўтмишда ёш авлод тарбиясига катта таъсир кўрсатган халқ оғзаки ижоди намуналари эртаклар эди. Эртакларнинг бадий адабиёт намунаси сифатидаги фазилатлари сонсиз–саноқсиздир. Аввало, уларнинг яратилишида ва ижро этилишида тингловчиларнинг ёши назарда тутилган. Ёш болаларга аталган эртаклар, кўпинча, маърифий йўналишда бўлиб, уларда тулкининг айёрлиги, бўрининг ваҳшийлиги, отнинг зийраклиги ҳикоя қилинган. Нисбатан мураккаб эртакларда эса маиший ҳаётдаги мураккаб муаммолар ифодаланган. Хусусан, битта доно гап учун жуда катта бойлик берган йигит мақталади. Чунки ҳаёти давомида айнан шу доно гапга амал қилган қаҳрамонимиз бахтли бўлади. Аслида эртакчи ҳар бир тингловчини ўша қаҳрамонга тенг қўйган. Эртакларда халқнинг фалсафий–

дидактик мулоҳазалари баёни етакчи ўрин эгаллаган. “Тўғри бўлинг – бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолат тортмайсиз. Дангасалик қилманг – бахтсиз бўлмайсиз” (“Уч оға –ини ботирлар”). Юзлаб эртакларда халқимизнинг Ватанга, халққа, меҳнатга, хунар эгаллашга, виждонан покликка, тўғрисўзликка бўлган муносабати содда, равон, изчил шаклда ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари халқ кўшиқлари, достонлар, топишмоқлар келажакнинг комил инсонини тарбиялаш вазифасини бажарган. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида оғзаки ижодимизнинг айнан ана шу фазилатидан самарали фойданиш лозимлиги таъкидланади.

“Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонларида Ватан мавзуси.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг 32–34 бетлари “Алпомиш” достонидаги халқ қадриятлари ифодасини таҳлил қилишга бағишланган. 3 –саҳифада шундай жумлалар бор: “Агарким халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳ бойти, нима учун шоҳ байт деб аташ тўғри бўлади. Чунки бу достон мазмуни, сюжетининг мураккаб тизимидан иборатлиги, қаҳрамонлари бошидан ўтган воқеалар баёни, бахши маҳорати жиҳатидан ўзида ўзбек достончилгидаги барча фазилатларни мужассам эта олган эпос намунасидир.

Жумаладан, халқ достонларининг бошқа намуналари қаторида Гўрўғли туркумига оид асарлар ва алоҳида номга, алоҳида воқеалар тизимида оид асарлар ҳам жуда кўп. Агар Гўрўғли туркуми достонларини “Гўрўғлининг туғилиши”, “Юнус пари”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Равшан” каби ўнлаб эпик асарлар туркумини ташкил қилса, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Муродхон” деб аталган бошқа ўнлаб достонлар қаҳрамонларнинг номи, воқеалардаги лавҳалар тизими жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзбек достончилиги санъатидаги яна катта бир гуруҳ асарларини Наманган бахшилари ва ундан ҳам катта бойликка эга асарларни Хоразм бахшилари ижро этадиган асарлар ташкил этади. Бу

асарларнинг ҳаммаси жамланган ҳолда халқ педагогикаси ахлоқ кодекси асосларини ёш авлодга онгига сингдирилиши масъулиятини ўз зиммасига олган эди.

XIX асрдан мукаммал шаклланган халқ достонлари, аввало, ҳаёт муаммоларини ўзида ифодалаганлиги билан эътиборга лойиқ.

Мазкур муаммоларни шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Ватанни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш. Юрт мустақиллигини сақлаш.
2. Ёрга вафодор бўлиш. Ёр учун хавфли ва узоқ сафарга отланиш.
3. Инсонлик ориятига ҳурмат билан қараш. Тўғри сўз бўлиш.

Табиийки, юқорида қайд этилган рўйхатни қўшимча моддалар билан тўлдириш мумкин эмас. Аммо, бизнингча, Гўрўғли туркуми достонларида Ватан, ёрга садоқат, инсон номуси ва ори масалалари анъанавий мавзулардан ҳисобланади. Биронта бахши ўзи ижро этган диёр ҳақида тўхтамаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик юзасидан достонда айтилган мулоҳазаларни қуйидаги тасниф қилиш мумкин. Биринчидан, бутун мазмуни тўлалигича Ватанга бағишлангани достонлар. Иккинчидан, асар қаҳрамонининг фаолияти ифодаланган воқеалар тизимида бевосита ватанга аталган лавҳаларга алоқадор вазиятда қайд этилган достонлар. Учинчидан, бахши Ватан ҳақида ортиқча тафсилотларга берилиб шеърӣ парчаларни ижро этмайдиган, аммо Ватан ҳамма ижрочи онгида сақланадиган достонлар.

Биринчи тасниф достонларни “Алпомиш” “Ойсулув” Гўрўғли туркумидан “Чамбил қамали” ташкил этади. “Чамбил қамали” достонида Гўрўғлининг Ваянчанга кетганидан фойдаланиб Райҳон араб халқ орзусида яратилган юртни босиб олмоқчи бўлади. Аммо Ватан ҳимоясига Юнус парининг ўзи отланади. У шаҳардаги ҳамма аёлларни ўз она юртларини ҳимоя қилишга чақиради. Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ижросида бу лавҳа шундай ифодаланади.

Ғам ема ўзим савашга чиқаман

Душманларнинг қадди–бўйин букаман
Ғам емагин лашкар кўпдир ўрдада
Арабнинг қонини сувдай тўкарман.

Отавергин, шохли милтиқ, ғам ема
Ой Юнусни Гўрўғлидан кам дема!
Урушга опчиқай Зайдин қизини,
Хазил дема, Ой Юнуснинг сўзини!

Юнус пари достонида Ватан тушунчаси бир оз бошқачароқ режада ифодаланади. Пўлкан бу дostonда Гўрўғлининг Юнус парига уйланиш учун сафарга отланганини эшитган Райҳон арабнинг қизи Зайдинойни қутқариш учун босқин урушига ҳозирлик кўриш лавҳасини баён этади. Холжувонни Райҳон араб Гўрўғлидан олиб қочган эди. Воқеадан хабар топган Холжувон Чамбилга маҳрамини жўнатиб, Темирхон подшоҳни огоҳлантиради. Райҳон арабнинг нияти амалга ошмайди. Биз бу дostonда икки йўналишдаги воқеа тизимига дуч келамиз. Биринчиси, Гўрўғлининг Юнус пари ишқида амалга оширган сафари бўлса, иккинчиси, Темирхон подшоҳи, Холжувон, кейинчалик Гўрўғлининг ўзи иштирокида Чамбилни ҳимоя қилиш эди. Айнан шунга ўхшаш ҳолат “Малика айёр” достонида ҳам учрайди. Бу ерда энди Маликани олиб келишга отланган Аваз йўлда Чамбилни вайрон қилиш учун кетаётган Мақотилни учратади. Асл мақсадни иккинчи ўринга қўйиб Авазхон Мақотилни йўқ қилиш ҳаракатини бошлайди.

Ватан билан боғлиқ учинчи тур дostonларда она юртга меҳр туйғуси алоҳида воқеа тизимини ташкил қилмайди. Бундай дostonларда масала йўл–йўлакай ҳал этилади. “Муродхон” достонида Муродхон узоқ сафардан қайтиб, Оталиқнинг подшоҳликни қандай уддалагани, юрт осойишталигини қандай сақлаганини сўрайди. “Равшан” достонида эса Зулхуморнинг отаси Қорахон Равшанга ўз қизини беришини айтади. Фақат бунинг учун Равшан ўз юртидан воз кечиш керак эди. Дор тагидаги Равшан эса ҳеч иккиланмай шундай дейди:

Сен айтган одаминг, золим, мен эмас,

Бир нечалар ўз ҳолини ченгамас,

Мен ўлсам ўз элимдан кечмайман!

Азиз бошинг оёғимга тенг эмас.

“Юксак маънавият —енгилмас куч” китобида шундай сатрлар бор: “шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор—номусимизни, ота—боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади” (33—бет). Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг “Алпомиш” достони ҳақида билдирган бундай илиқ фикрларни Гўрўғли туркумига оид ва мазкур туркумдан ташқари ҳолатда ижро этилган, бугунги кунда ҳам ижро этилаётган ўнлаб дostonларга ҳам тааллуқли деб айтиш мумкин.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I.Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: "Ўзбекистон" нашри, 1994.
4. Каримов.И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.
5. Каримов.И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.
6. Каримов.И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. "Ўзбекистон", 2000.

7. Каримов.И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., Ўзбекистон", 1996.
8. Каримов.И.А. Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.-Т., "Ўзбекистон", 2000.
9. Каримов.И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда.-Т."Ўзбекистон" 2000.

II. Асосий адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т., Ёзувчи, 1996.
2. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. -Т., Ўзбекистон. 1997.
3. Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. -Т., Маънавият. 2005.
4. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Т., Ёзувчи. 2001.
5. Абу наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.. -Т., Маънавият. 1992.
7. Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим тарбия ҳақида. -Т., Ўқитувчи.1992.
8. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. -Т., 14. Т., 1988.
9. Зиёмуҳаммадов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. -Т., "Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. Т.,2000.
10. Имомназаров М., Эшмуҳаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Т.,Тошкент ислом университети. 2001.
11. Отамурадов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. -Т., 2000.
12. Юсупов Э. Жамият маънавий тараққиёти. Т., 2001.